

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ТУРДАЛИЕВА МАХИНА КОМИЛЖОНОВНА

**ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИ
ЖИҲАТИДАН БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ТАШҚИ
ДЕВОРЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Турдалиева Махина Комилжоновна

Тураар жой биноларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли
бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик самарадорлигини
ошириш.....3

Турдалиева Махина Комилжоновна

Повышение тепловой эффективности теплотехнически неоднородных
наружныхстен жилых зданий.....21

Turdalieva Makhina Komilzhonovna

Improving the thermal efficiency of heat engineering non-uniform external walls
of residential buildings.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ТУРДАЛИЕВА МАХИНА КОМИЛЖОНОВНА

**ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИ
ЖИҲАТИДАН БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ТАШҚИ
ДЕВОРЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1363 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент архитектура- қурилиш институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Щипачева Елена Владимировна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Асқаров Бахтиёр Асқарович
техника фанлари доктори, профессор

Ювмитов Анвар Сайфуллаевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Фарғона Политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» ноябрь соат 10 00 да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№63 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «20» октябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «22» сентябрьдаги 4 - рақамли реестр бённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Б.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертации аннотацияси)

Диссертация мавзусининг доларблиги ва зарурлиги. Жаҳон қурилиш амалиётида, сўнгги йилларда бинолардан фойдаланишда энергия ҳаражатларини камайтириш, хоналардаги микроиклимни сезиларли даражада яхшилаш имконини берувчи юқори иссиқлик ҳимоя хоссаларига эга тўсувчи конструкцияли биноларни қуриш кўлами тобора ортиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Финляндия, Нидерландия ва Австрия каби давлатларда энергиятежамкор янги материаллар ва конструкцияларни яратиш, ишлаб чиқариш технологиялари ва лойиҳалашни такомиллаштириш, улардан бино ва иншоотларни барпо этишда унумли фойдаланиш, ҳисоблашнинг янги аниқроқ усулларини ишлаб чиқиш масалалари етакчи ўрин эгалламоқда. Шу жумладан, бинолардаги иссиқлик ҳимоясини ошириш мақсадида ташқи девор конструкцияларида иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган узелларини аниқлаш, улар орқали иссиқликни солиштирма йўқотилишини аниқлаш, деворларнинг конструктив ечимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланган ҳолда, турли конструктив ечимга эга бўлган бинолардаги ташқи девор конструкцияларида иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган узелларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, қурилиш ҳудудларининг иқлимий шароитига қараб, ташқи деворлардаги иссиқлик кўприкчалари орқали солиштирма иссиқлик йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда, биноларнинг ташқи деворларининг келтирилган иссиқлик ўтказувчанлик қаршилигини ҳисоблаш аниқлигини, бино деворларининг теплотехник бир хиллигини ошириш, биноларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ конструктив хусусиятларини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда янги қурилаётган бино ва иншоотларни қуриш учун энергия самарадор конструкцияларни яратиш, бинолардан фойдаланиш давридаги энергия истеъмоли ва сарф ҳаражатларни камайтиришга қаратилган энергия тежовчи лойиҳа ечимлари, технологиялар ва самарали материалларни жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада турар жой биноларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларнинг конструктив ечимларини, иссиқлик ўтказувчи кўприкчалар орқали солиштирма иссиқлик оқимини йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти, маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февralидаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлари стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 13 мартдаги 5963-сон “Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида”ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016

йил 28 сентябридаги ПҚ-2615-сон “Курилиш саноатини 2016-2020 йилларга янада ривожлантириш чоралари дастури тўғрисида”ги, 2017 йилнинг 8 августидаги ПҚ-3182-сон “Минтақаларни тезкор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир биринчи навбатдаги чоралар тўғрисида”ги қарорларида, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежам-корлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг илмий адабиётларида иссиқлик узатилишига келтирилган қаршиликни ҳисоблаш соҳасидаги ва иссиқлик техникаси жиҳатидан бир хил бўлмаган бино томонидан умумий иссиқлик йўқотилишига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш борасидаги тадқиқотлар билан боғлиқ мавзулар аниқ-равшан кузатилади.

Номи келтирилган муаммоларнинг ҳал қилинишига Ben Larbi, R. Yumrutash, M. Unsal, M. Kanoglu, D. H. Eunilkim, M. Tenpieric, W. Van der Spoel, H. Cauberg, B. Berggren, M. Wall, K., Martin, C. Escudero, A. Erkoreka, I. Flores, F. Deque, F. Ollivier, J. J. Roux, M. Odriozola ва шу каби олимлар улкан ҳисса қўшдилар. Иссиқлик узатилишига келтирилган қаршиликни ҳисоблаш ва иссиқлик техникаси жиҳатидан нобиржинсликлар таъсирини ҳисобга олиш соҳасида турли йилларда В.Д. Мачинский, О.Е. Власов, К.Ф. Фокин, Ф.В. Ушков, Б.Ф. Васильев, В.Н. Богословский, Г.К. Авдеев, С.Г. Черников, В.Р. Хлевчук, А.И. Ананьев, В.К. Савин, В.А. Могутов, И.Н. Бутовский, В.Г. Гагарин, В.В. Козлов, И.С. Каммерер ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб бордилар. Тўсувчи конструкцияларга оид конструктив ечимларнинг ривожланиши олинган асосий маълумотлар ва аввалроқ қўлланиб келинган ҳисоб-китоб услубларининг эскириб қолишига олиб келди. Сўнгги йилларда ташқи деворлар конструкцияларидаги ҳарорат майдонлари, шунингдек ташқи тўсувчи конструкциялар орқали иссиқлик йўқотилишини камайтириш йўли орқали энергия тежаш самарадорлигини ошириш масалалари билан А.Ю. Табунщиков, А.Н. Хуторной, Н.А. Цветков, М.А. Игнатъев, С.М. Кулагин, М. Седлачкова, Д.В. Евсеев, В.Г. Гагарин, А.М. Береговой ва бошқа россиялик олимлар шуғулландилар. Ю.А. Матросов, И. Бутовский ва К. V. Childs Россия ва Америка услублари бўйича иссиқлик кўприкчалари бўлган тўсувчи конструкцияларнинг қиёсий ҳисоб-китобларини бажардилар.

Ўзбекистонлик олимлар Е.А. Насонов, С.А. Ходжаев, Р.М. Маракаев, И.С. Суханов, Е.А. Солдатов, В.А. Турулов, Р.А. Қўчқоров, Х.А. Акрамов, С.С. Шаумаров ва бошқалар томонидан бинолар энергия самарадорлигини ошириш борасидаги меъёрий базани такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилди. Е.В. Щипачева эса Марказий Осиё минтақаси

иқлимнинг хоналар ички муҳитини шакллантиришга кўрсатадиган таъсири хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик биноларида иссиқлик сақланишининг асосларини тақдим этди. Аввалроқ бажарилган тадқиқотлар таҳлили, шунингдек Марказий Осиёда лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳалари тажрибасидан маълум бўлишича, қурилиш объектларининг энергия жиҳатидан самарадорлиги даражасини кўтариш учун бинолар ташқи тўсувчи конструкцияларининг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилигини замонавий ҳисоблаш услубиётини татбиқ этиш талаб этилиб, унга хос бўлган хусусиятлардан бири - иссиқлик ўтказувчан қўшилмалар орқали қўшимча иссиқлик йўқотилиши ҳисобини тартибга солишдан иборат. Бунинг учун услубиётнинг Ўзбекистон иқлим шароитларида зилзилабардош бинолар деворлари учун самарадорлигини исботлаб бериш, шу билан бирга ташқи тўсувчи конструкциялардаги “совуқлик кўприклари” учун солиштирма иссиқлик йўқотилиши бўйича етишмаётган маълумотларни аниқлаб олиш талаб этилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий кенгаш томонидан тасдиқланган “Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда устуворлигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзуси доирасида бажарилаган.

Тадқиқотнинг мақсади бу турар жой биноларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп хонадонли турар жой бинолари намунавий сериялари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган деворлардаги туташган жойилари типларини аниқлаш мақсадида улар лойиҳа ҳужжатларининг таҳлилин аналга ошириш;

турар жой биносининг тепловизион тадқиқотини ўтказиш ва иссиқлик ўтказувчан қатламларини хоналар микроиқлимга ва ташқи деворларнинг иссиқликни сақлаш хоссаларига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш;

кўп хонадонли турар жой бинолари ташқи деворлари бир жинсли бўлмаган деворлардаги туташган жойиларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан типологиясини ишлаб чиқиш;

турар жой бинолари ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган деворлардаги туташган жойилари орқали солиштирма иссиқлик йўқотилишлари ҳисобини бажариш;

бинолар ташқи деворларининг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилигининг икки услубиёт бўйича қиёсий ҳисобини аналга ошириш;

бинолар иссиқлик техника жиҳатидан кўрсаткичларини оширишга кўмаклашадиган улар ташқи деворларининг иссиқлик ўтказувчан қўшилмали

деворлардаги туташган жойиларининг конструктив ечимларини ишлаб чиқиш;

иссиқлик ўтказувчан қўшилмали ташқи деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан кўрсаткичларини ошириш бўйича конструктив ечимларни жорий қилишнинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

турар жой бинолари ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган деворлардаги туташган жойиларини лойиҳалаштиришда иссиқлик солиштирма йўқотишларини қўллаш бўйича тавсифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган турар жой биноларнинг ташқи деворлари.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган турар жой биноларнинг ташқи деворларини лойиҳалаш учун экспериментал ва назарий асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари маълум илмий ва техник натижаларни аналитик жиҳатдан умумлаштириш, деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган деворлардаги туташган жойилари ҳарорат майдонларининг ҳисоб-китоблари, эҳтимолийлик назарияси ва математик статистика қоидаларини амалга ошириш, табиий шароитлардаги экспериментал ўлчашлар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ғишт билан тўлдирилган синчли биноларнинг лойиҳа ҳужжатлари ва иссиқлик тасвирини таҳлил қилиш асосида иссиқлик техник жиҳатидан бир жинсли бўлмаган 15 узели аниқланган ва типологияси ишлаб чиқилган, шу жумладан қалинлиги 25дан 42 смгача бўлган ғиштли деворнинг иссиқлик майдонига темирбетон ўзаклари ва антисеймик камарларнинг таъсир зонаси аниқланган;

ташқи деворларнинг иссиқлик техник жиҳатидан бир жинсли бўлмаган узелларидаги ҳарорат майдонларини таҳлили натижасида, уларнинг иссиқлик ҳимоя даражаси ошириш имконини берувчи, конструктив ечимлари такомиллаштирилган;

иссиқлик техник жиҳатидан бир жинсли бўлмаган узел элементларидаги солиштирма иссиқлик оқимини ҳисобга олган ҳолда ташқи деворларнинг иссиқлик қаршилиги аниқланган;

иссиқлик ўтказувчанлигига келтирилган қаршилигини аниқлашда иссиқлик ўтказувчи элементлар орқали қўшимча иссиқлик йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда энергия самарадор биноларнинг ташқи тўсувчи конструкцияларини лойиҳалаш асослари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари

деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойиларининг янги техник ечимлари ишлаб чиқилиб, улар иссиқлик йўқотилишини камайтириш, ҳамда бинолар тўсувчи конструкцияларини лойиҳалаштириш сифатини яхшилаш имконини берган;

кўп хонадонли турар жой биноларининг ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойиларининг Тошкент шаҳри иқлим шароитлари учун мўлжалланган, солиштирма иссиқлик йўқотилиши кўрсаткичларига эга бўлган жадваллари ишлаб чиқилиб, улар шу каби конструктив ечимларга эга бўлган бинолар учун келтирилган термик қаршиликни аниқлашга оид илғор услубни қўллаш имконини очиб берилган;

Турар жой бинолари ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойиларининг қийматларини иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилигини тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик кўприклари орқали солиштирма иссиқлик йўқотилишини ҳисобга олишга асосланган услубиёт бўйича ҳисоблаб топиш, шунингдек ташқи деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинслилик коэффициентларини аниқлаш учун **«Турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилигининг ҳисоби»** компьютер дастури ишлаб чиқилган.

турар жой бинолари ташқи деворларини лойиҳалаштиришда иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган қисмлари орқали солиштирма иссиқлик йўқотилиши қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, улар лойиҳалаштириш сифатини ва қурилиш объектлари энергия самарадорлиги даражасини яхшилаш мақсадида тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик сақлаш тавсифларини оптималлаштириш имконини яратадилар.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги уларнинг юқори даражада асосланганлиги, қилинган фаразларнинг ҳақиқийлиги билан тасдиқланиб, ҳисоб-китоб натижаларининг тажриба маълумотлари билан қиёсланганлиги, замонавий тадқиқот услублари ва асбоб-ускуналари қўлланганлиги билан таъминланган, ҳамда олинган натижаларда умум қабул қилинган назарий тақдим этишга зид ҳолатлар йўқлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти фуқаролик бинолари иссиқлик сақлаш назариясини ривожлантиришдан, ҳамда қуруқ иссиқ иқлим шароитларида бир жинсли бўлмаган қўшилмали ташқи деворларни иссиқлик техникаси жиҳатидан ҳисоблаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турар жой бинолари ташқи деворларини лойиҳалаштиришда ҳисоблашнинг замонавий услубларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу лойиҳалаштириш сифатини яхшилаш ва қурилиш объектлари энергия самарадорлик даражасини ошириш мақсадида тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик сақлаш хоссаларини оптималлаштириш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турар жой биноларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи

деворларининг иссиқлик самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилиги ҳисоби» компьютер дастури «TASHGIPROGOR» АЖ ва «QISHLOQQURILISHLOYINA» МЧЖда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 25.06 даги №09-06/7644-сон маълумотномаси). Натижада тўсувчи конструкциялар учун изоляциялашнинг оптимал тизимини танлаш вақтини 30 % га, энергия истеъмолини 10 % га қисқартиришга эришилган;

кўп хонадонли турар жой бинолари ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган деворлардаги туташган жойилари жадваллари, уларнинг Тошкент шаҳри иқлим шароитлари учун мўлжалланган солиштира иссиқлик йўқотишлари «TASHGIPROGOR» АЖ «QISHLOQQURILISHLOYINA» МЧЖда (Ўзбекистон Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 25.06 даги №09-06/7644 маълумотномаси). Натижада энергия истеъмолини 10 % га қисқартиришга эришилган;

деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойиларининг янгича техник ечимлари лойиҳа ташкилоти: ЎзР Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги «QISHLOQQURILISHLOYINA» МЧЖ амалиётига (Ўзбекистон Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 25.06 даги №09-06/7644 маълумотномаси). Натижада энергия истеъмолини 10 % га қисқартиришга, деворлар иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинслилик коэффициентини эса 15 % га кўтаришга эришилган;

турар жой бинолари ташқи деворларини лойиҳалаштиришда иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган жойлари орқали солиштира иссиқлик йўқотишларини камайтириш бўйича тавсиялар АЖ «TASHGIPROGOR» ва «QISHLOQQURILISHLOYINA» МЧЖ (Ўзбекистон Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 25.06 даги №09-06/7644 маълумотномаси). Натижада тўсувчи конструкциялар иссиқликни сақлаш (ҳимоя қилиш) оптимал тизимини танлаш вақтини 30 % га энергия истеъмолини 10 % га қисқартиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий қоидалари ва натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, тадқиқотлар мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети келтирилади, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги баён этилади, тадқиқотлар натижаларининг синовдан ўтганлиги ва диссертация иши мавзуси бўйича нашр этилган илмий мақолалар ҳақидаги, шунингдек диссертация тузилмаси ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг **«Турар жой биноларининг иссиқлик ўтказувчан киритмали ташқи деворларининг иссиқдан химоя қилиш даражасини ошириш масаласининг замонавий ҳолати»** номли биринчи бобида бинолар энергия самарадорлигини ошириш, иссиқлик ўтказувчан киритмали ташқи деворларининг иссиқлик химояси даражасини кўтариш масаласи бўйича маҳаллий ва хорижий мақолаларнинг батафсил адабий обзори келтирилган.

Сейсмик қурилиш ҳудудлари учун лойиҳалаштирилган бинолар ташқи деворларининг иссиқлик ўтказувчан киритмалари турлари, ҳамда уларнинг турар жой хоналарининг ички муҳитига кўрсатадиган таъсири кўриб чиқилган.

Ташқи тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойилари ва иссиқлик сақлаш хоссаларини тадқиқ этиш ва ҳисоблаш замонавий услублари, шунингдек уларнинг иссиқлик самарадорлигининг обзорли таҳлили бажарилган.

Диссертация иши мавзуси бўйича амалга оширилган адабиётлар обзори асосида тадқиқотларнинг ишчи фарази (гипотезаси) шакллантирилиб, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Ишчи фараз (гипотеза).

Сейсмик жиҳатдан (зилзилага) бардошли турар жой бинолари ташқи деворларининг конструктив хусусиятларини, Ўзбекистон Республикаси иқлимининг ўзига хослигини, шунингдек энергия ташувчилар нархининг мунтазам ошиб боришини ҳисобга олиб, иссиқлик кўприклари орқали солиштирма иссиқлик йўқотишлари қийматларини ҳисобга олишга асосланган, тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилиги ҳисоби каби замонавий ҳисоб-китоб услубидан фойдаланиш асосида, тўсиқлар ичида иссиқлик оқимларини қайта тақсимлайдиган конструкцион ва иссиқлик изоляцияловчи материаллардан оқилона фойдаланишга асосланган кам харажатли чора-тадбирлар ҳисобига

биноларда иссиқлик сақлаш даражасини яхшилаш мумкин деган хулосага келинди.

«Тадқиқотларда қабул қилинган объектлар, материаллар ва услубиётлар» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотлар учун танлаб олинган ва Тошкент шаҳрида қурилган кўп хонадонли турар жой бинолари ташқи деворларининг конструктив ечимлари хусусиятлари кўриб чиқилиб, тўсик конструкцияларда ишлатилган материалларнинг тавсифлари келтирилган.

Бинонинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилигини ҳисоблаш учун икки услубиёт қўлланди: амал қилаётган меъёрий ҳужжат услубиёти ва иссиқлик кўприклари орқали солиштирма иссиқлик йўқотилиши қийматларини қўллашга асосланган хорижий услубиёт.

Ҳарорат майдонлари ва иссиқлик кўприкчали девордаги туташган жойилар орқали ўтадиган иссиқлик оқимларининг ҳисоблари иссиқлик ўтказувчанлик стационар масалаларини рақамли услублар ёрдамида амалга оширадиган «TEMPER-3D» дастурий мажмуасидан фойдаланиб амалга оширилди.

Бинонинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворининг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилигининг рақамли ҳисоблари хорижий услубиёт бўйича компьютер дастури ёрдамида, ушбу диссертацияда ишлаб чиқилган ҳажмда WINDOWS тизимида Microsoft Developer Studio - Fortran Power Station 6.0 интеграцияланган қобикда бажарилди: «Турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилигининг ҳисоби».

Балкон плитаси мустаҳкамлигининг ҳисоби ва диссертацияда таклиф қилинган уни деворга перфорацияланган тарзда таянтириш билан сейсмик таъсирлар шароитларида ишончлилиқни таъминлаш учун "ЛИРА-САПР" дастурий мажмуидан фойдаланилди.

Таниш услубиётлар бўйича табиий шароитлардаги экспериментларни ўтказишда қуйидагилар қўлланди:

- GM550 Venetech инфрақизил пирометри – бинолар ташқи тўсувчи конструкциялари юзаси ҳароратини контактсиз ўлчаш учун;

- testo 625 термогигрометри – ички ва ташқи ҳаво ҳарорати ва намлигини ўлчаш учун;

- testo 876 тепловизори – биноларнинг ташқи деворларида иссиқлик ўтказувчан киритмалар жойлашишини, иссиқли кўприкчалари таъсир зоналарининг терилган ғиштнинг иссиқлик сақлаш хоссаларига кўрсатадиган таъсири ўлчамларини аниқлаш учун.

Диссертациянинг **«Турар жой бинолари ташқи деворларидаги иссиқлик ўтказувчан киритмалар орқали иссиқлик ўтказилиш жараёнини тадқиқ этиш»** деб номланган учинчи боби турар жой бинолари ташқи деворларидаги иссиқлик кўприкчалари типологияси ва улар

хоссаларини ўрганишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иқлим шароитларида тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилигини энг аниқ ҳисоб-китоб қилиш услубини аниқлашга бағишланган.

Оммавий равишда қуриладиган етти қаватли турар жой уйини тепловизион тадқиқ этиш натижалари билан унинг юк тушадиган ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли эмаслиги тасдиқланиб, темирбетон ўзаклар ва антисейсмик (зилзилага қарши) “белбоғ”ларнинг терилган ғиштнинг 25-42 см ни ташкил этган ҳарорат майдонларига таъсир зоналари белгилаб олинган. Термограммалар айниқса ойнаванд юзалар ва деворнинг балкон плитаси билан туташган жойи участкалари орқали каттагина иссиқлик йўқотилишини кўрсатиб (1-расм), бир хона миқёсидаги ташқи деворлар ички юзасининг ҳарорати эса бунда 4,6 °С атрофида ўзгариб туриши мумкин.



1-расм. Деворнинг балкон плитаси билан бирикиш конструкциялари туширилган фасад фрагментининг термограммаси.

Лойиҳа ҳужжатларини ўрганиш ва ҳақиқий шароитларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида кўп хонадонли турар жой бинолари ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойилари типологияси ишлаб чиқилиб, у ўзи ичига 15 та туташган жойиларини олган, шулардан учтаси 3d (ҳажмий) ва иккитаси нуқтали (жадвал). Тошкент шаҳри иқлим шароитлари учун икки хил вариант учун ташқи деворнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойилар орқали солиштирма иссиқлик йўқотишлари ҳисоблаб топилган – ташқи иссиқлик изоляциясиз ва базальт толали, қалинлиги 80 мм бўлган иссиқлик изоляцияси, булар шу каби конструктив ечимли бинолар учун келтирилган термик қаршилиқни аниқлашга доир хорижий услубни бизда қўллаш имкониятини очиб беради.

Иссиқлик кўприкчалари орқали иссиқлик солиштира йўқотишлари

Узелни рақами	Қисқача мазмуни иссиқлик кўприкчаси	Узелни эскизи	Ψ, W/(m·K) (чизиқлиларга); χ, W/K (ғажмилларга); γ, W/K (нуқталиларга) иссиқлик изоляцияси калинлигида	
1	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг цокол ораёпмасига бирикиш узели		$\delta = 0$, $\delta_1 = 0,08 \text{ m}$	$\delta = 0,08 \text{ m}$, $\delta_1 = 0,08 \text{ m}$
			0,239	0,185
2	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг темир-бетон белбоғга) бирикиш узели		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,577	0,028
3	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг балкон ораёпмасига бирикиш узели		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,553	0,606
4	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг лоджии ораёпмасига бирикиш узели (охирги қаватда)		$\delta = 0$, $\delta_1 = 0,14 \text{ m}$	$\delta = 0,08 \text{ m}$; $\delta_1 = 0,14 \text{ m}$
			0,39	0,184
5	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг чордоқ ораёпмасига бирикиш узели		$\delta = 0$, $\delta_1 = 0,14 \text{ m}$	$\delta = 0,08 \text{ m}$; $\delta_1 = 0,14 \text{ m}$
			0,258	1,258
6	Тўғри туташган тури. Чизиқли тури. Ташқи деворнинг четдаги колоннага (сердечник) ва ички пардадевор		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,42	0,02

7	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг четдаги колоннага (сердечник) бирикиш туғуни, ташқи бурчак		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,234	0,202
8	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг четдаги колоннага (сердечник) бирикиш узели, ички бурчак		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			- 0,545	- 0,321
9	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг дераза ва эшик урнига бирикиш узели		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,589	0,195
10	Тўғри туташган тури. Ташқи деворнинг четдаги колоннага (сердечник) бирикиш узели		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,489	0,023
11	Ҳажмий тури. Ташқи деворнинг ораёпмага туташган 3d узели		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,388	0,584
12	Ҳажмий тури. Ташқи деворнинг чордоқ ораёпмани туташган 3d узели		$\delta = 0, \delta_1=0,14 \text{ m}$	$\delta = 0,08 \text{ m};$ $\delta_1=0,14 \text{ m}$
			0,375	-5,005
13	Ҳажмий тури. Ташқи деворнинг ерга туташган 3d узели		$\delta = 0, \delta_1=0,08 \text{ m}$	$\delta = 0,08 \text{ m};$ $\delta_1=0,08 \text{ m}$
			0,274	2,698
14	Кронштейни цокол пардозига нуқтали маҳкамлаш		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,00004	0,01121
15	Фасад дюбелини иссиқлик изоляциясини нуқтали узели		$\delta = 0$	$\delta = 0,08 \text{ m}$
			0,00	0,0008878

Тошкент шаҳар иқлим шароитлари учун етти қаватли турар жой биноларининг ташқи деворларининг ажратиб олинган иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойилари иссиқлик майдонларинининг ҳисоби конструкция жиҳатидан мажбурий равишда қайта ишланиши керак бўлган икки (узел) туташган жойилари мавжудлигини аниқлаб берди – ташқи деворнинг чордоқ ораёпмасига туташган жойилари ва ташқи деворнинг (цокол қисми) грунтга туташган жойилари. Лойиха бўйича уларнинг қабул қилинган конструктив ечимларида деворлардаги туташган жойилари ҳудудда деворнинг ички юзаларида ҳосил бўлган намлик конденсацияланган ҳудудлар ҳам шундан далолат берди.

Бажарилган рақамли тажрибалар ҳамда натижаларни Ўзбекистон Республикаси иқлим шароитларида биноларнинг ташқи деворлари икки конструктив ечимлари (иссиқлик изоляция билан ва иссиқлик изоляциясиз) учун табиий шароитларда ўтказилган тадқиқотлар маълумотлари билан қиёслаш асосида иссиқлик ўтказувчан қўшилмалар орқали солиштирма иссиқлик йўқотишлари қийматларини ҳисобга олишга асосланган келтирилган термик қаршилиқни аниқлаш услуби меъёрий ҳужжатда келтирилган услубдан 1,5 - 2,1 баробар аниқроқ эканлиги исботланди.


«Турар жой биноларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан ҳар хил жинсли ташқи деворларининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилигининг ҳисоби» ҳисобий компьютер дастури ишлаб чиқилиб, у тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик кўприкчалари орқали солиштирма иссиқлик йўқотилишини ҳисобга олишга асосланган услубиёт бўйича турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан ҳар хил жинсли ташқи деворларининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилигини, шунингдек ташқи деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинслилик коэффицентини ҳисоблаб топиш имконини беради. Бундан ташқари, дастурнинг чиқиш файли (2-расм) тўсиқ орқали ўтадиган умумий иссиқлик оқимидаги ҳар бир элемент иссиқлик оқими улушини кўрсатган ҳолда, бинонинг ташқи деворини ташкил қилган бир жинсли участкалар ва иссиқлик кўприкчалари орқали солиштирма иссиқлик оқимлари бўйича маълумотларга эга бўлиб, бу иссиқлик кўприкчаларининг иссиқлик узатилишига қаршиликка таъсирининг таҳлилин амалга ошириш, зарурат юзага келган ҳолатда эса, лойихалаштириш ёки эксплуатация қилинаётган бинолардаги айрим конструкциялар ва деворлардаги туташган жойилари кўшимча равишда иситиш (изоляциялаш) босқичида девор конструктив ечимини ўзгартириш бўйича қарор қабул қилиш имконини беради.

ТАБЛИЦА РЕЗУЛЬТАТОВ РАСЧЕТА		
№	Удельный попуск панелей см. 1-го элемента Вт/(м ² гр.С)	Доля общего попуска панелей %
1	Roldes= .331 Ro2des= 3.182	4.698 45.182
2	СУХНА= 3.513	
3	Rodes= 3.354	47.6
4	.11*Psi1= .011 .12*Psi2= .001 .13*Psi3= .019 .14*Psi4= .000 .15*Psi5= .000 .16*Psi6= -.019 .17*Psi7= .024 .18*Psi8= .052 .19*Psi9= .022	.159 .014 .268 .002 .001 -.272 .348 .743 .318
5	СУХНА= .111	
6	U1= .008 U2= .008 U3= .008	
7	U1*X1= .003 U2*X2= .030 U3*X3= .007	.046 .433 .103
8	СУХНА= .041	
9	Z1*Ksi1= .005232575 Z2*Ksi2= .017826450	.074 .253
10	СУХНА= .023059030	
11	ОБЩАЯ СУХНА= 7.042	100.000
:Rdes =2.112 r = .630		

2-расм. Дастурнинг чиқиш файли (ҳисоб-китоблар натижаси)


«Иссиқлик ўтказувчан қўшилмали ташқи деворлар иссиқлик сақлаш даражасини яхшилаш учун уларнинг конструктив ечимини оптималлаштириш» деб номланган тўртинчи бобда кўп қаватли турар жой бинолари деворлари мавжуд лойиҳа ечимларидаги улар орқали ўтадиган иссиқлик оқимлари конденсат ҳосил бўлишига, ва/ёки кўплаб иссиқлик йўқотилишига олиб келган ташқи майда элементли уч хил деворлардаги туташган жойиларининг конструктив ечимларининг ишланмалари натижалари тақдим этилган.

3,а-расмдаги лойиҳа ечимда конструкцияси тақдим этилган Сарикўл кўчасидаги етти қаватли турар жой уйи ташқи деворининг чордоқ ораёпмасига туташган жойлари ҳарорат майдонларини ҳисоблашда деворнинг ички юзаларида ва шифтида йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги, эни 50-130 мм бўлган намлик конденсацияланиш зоналари ҳосил бўлиши аниқланган (3,б-расм).




3-расм. Ташқи деворнинг чордоқ ораёпмасига бирикиш узели (дастлабки вариант): а – тугун конструкцияси; б – тугуннинг ҳарорат майдони

Карниз деворлардаги туташган жойиларининг конструкцияси кўча тарафдаги девор ва чордоқ бўшлиғи участкаларини 80 мм қалинликдаги иссиқлик изоляция (утеплитель) қатлами ва деворнинг карниз қисмининг горизонтал юзасида 100 мм қалинликдаги иссиқлик изоляция (утеплитель) қатлами ёрдамида иситиш йўли билан такомиллаштирилган. Бундай ечим карниз деворлардаги туташган жойлари ҳудудида қурилиш конструкциялари юзаларининг қишки ҳисобий ташқи ҳароратларида конденсат ҳосил бўлишининг буткул олдини олиш имконини берди (4-расм).




4-расм. Ташқи деворнинг чордоқ ораёпмасига бирикиш узели (ишлаб чиқилган ечим): а – конструкция тугуни; б – тугуннинг ҳарорат майдони

Мавжуд лойиҳа ечимларида ташқи деворнинг грунтга туташган жойлари (изоляцияланган ва изоляцияланмаган вариантларда) ҳарорат майдонларининг майдонлари ҳисоб-китоби ёрдамида ҳар иккала ҳолда ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган намликнинг конденсацияланиш зоналари ҳосил бўлганлиги аниқланиб (5-расм), бунда ташқи девор изоляцияланган ҳолатда конденсацияланиш ҳудуди эни 2,7 марта каттароқ бўлган (25 мм ва 68 мм).



5-расм. Ташқи деворнинг грунтга бирикиш узелининг конструктив ечими ва унинг ҳарорат майдони: а – иситилмайдиган деворли; б – иситиладиган деворли.


Ташқи деворнинг грунтга туташган жойилар конструкцияси ертўла ораёпмаси даражасидан 500 мм га пастрокдан девор цокол қисмини илитиш (изоляциялаш) йўли билан такомиллаштирилиб, бу қиш даврида қурилиш конструкцияларида конденсат ҳосил бўлишининг олдини олиш имконини берди (6-расм).



6-расм. Ташқи деворнинг грунтга бирикиш узели (ишлаб чиқилган ечим): а – конструкция тугуни; б – туғуннинг ҳарорат майдони.

Ташқи девор, қаватлараро ораёпма, балкон плитаси ва антисейсмик (зилзилага қарши) “белбоғ” туташган жойиларининг балкон плитасининг бутун таяниш узунлиги бўйича термик киритмалар перфорацияланган тарзда қўллаган, ушбу совуқлик кўприги орқали иссиқлик йўқотилишини 60-70 % камайтириш имконини берадиган конструктив ечими таклиф қилиниб, шу билан бирга, сейсмик таъсирлар шароитларида мустаҳкамлик ва ишончлилиқни таъминлашдан иборат бўлиб, бу "ЛИРА-САПР" дастурий мажмуи ёрдамидаги балконнинг бўшлиқдаги тизим сифатида статик ва динамик таъсирларга ҳисоби билан тасдиқланган. Бу каби ечимни балкон плитаси узунлигининг тахминан 2/3 қисмига тенг бўлган масофада унинг темирбетон “белбоғ”га таяниш жойида амалга ошириш учун бетон экструдирланган пенополистирол билан алмаштирилади. Балкон плитасининг арматурасини “белбоғидан” анкерлаш учун балкон плитаси узунлигининг 1/3 қисмидан ўтказилган (яъни бетон энининг арматурани

чиқарган ҳолда 1 п.м. га тахминан 30-35 см қолади). Тадқиқ этилган кўп хонадонли турар жой уйи учун мўлжалланган балкон тузилишининг тақдим этилаётган конструкцияси 7-расмда берилган.



7-расм. Узелдаги иситгич жойлашиши, балкон плитасининг таянишининг конструктив ечими

«Турар жой биноларини қуриш ва уларни термик жиҳатдан янгилашда энергия тежамкор ечимларни татбиқ этишнинг техник-иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини баҳолаш» номли бешинчи бобда бино иссиқлик ўтказувчан кўшилмали ташқи деворларининг иссиқликни сақлаш даражасини оширишнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик масалалари кўриб чиқилган.

Иссиқлик ўтказувчан кўшилмали ташқи деворларнинг иссиқлик техника жиҳатидан кўрсаткичларини оширишга қаратилган конструктив ечимларни жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги иссиқлик техникаси жиҳатидан ҳар хил жинслилик таъсирини камайтириш билан иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилиқ ҳисобининг аниқлигини ошириш ҳисобига бинонинг ташқи деворлари орқали иссиқлик йўқотилишини камайтириш мисолида харажатларнинг ўз-ўзини оқлаш кўрсаткичи бўйича аниқланди.

Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасидаги турар жойларни модернизация қилиш билан капитал таъмирлашнинг тахминан 1,0 млн. м² йиллик ҳажмида ва иссиқлик энергиясининг 1 м² га ўртача 10 % тежалишида бир йилда тежалган маблағ миқдори 1 млрд.187 млн. сўмни ташкил қилиши мумкинлигини кўрсатди.

Турар жой бинолари ташқи деворларини лойиҳалаштиришда иссиқлик техникаси жиҳатидан ҳар хил жинслиликлар орқали солиштирма иссиқлик йўқотилишини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар тақдим этилиб, улар турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилиги қийматларини тўсувчи конструкциялардаги иссиқлик кўприклари орқали

солиштирма иссиқлик йўқотилишини, шунингдек ташқи деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинслилик коэффициентини ҳисобга олишга асосланган услубиёт бўйича ҳисоблаб топиш имконини беради.

ХУЛОСА

Фалсафа доктори илмий даражасини (PhD) олиш учун «Турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик самарадорлигини ошириш» мавзуси бўйича диссертация бўйича ўтказилган экспериментал-назарий тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Кўп хонадонли турар жой уйлари ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойларининг ишлаб чиқилган типологияси воситасида фуқаролик бинолари иссиқликни сақлаш даражасини оширишни, Тошкент шаҳри иқлим шароитлари учун деворларнинг иссиқлик изоляцияли ва иссиқлик изоляциясиз иссиқлик кўприклари орқали солиштирма иссиқлик йўқотишларини аниқлашни таъминлаш бўйича долзарб вазифани ҳал қилишнинг янгича ечими олиниб, бу фарқли хусусияти иссиқлик ўтказувчан қўшилмалар орқали қўшимча иссиқлик йўқотилишини ҳисобга олишни тартибга солишдан иборат бўлган ташқи тўсувчи конструкциялар ҳисобининг илғор услубини қўллаш имкониятини очиб беради.

2. Ўзбекистон Республикаси иқлим шароитларида фуқаролик бинолари ташқи деворларининг иссиқлик сақлаш хоссаларини ҳисоблашнинг иссиқлик ўтказувчан қўшилмалар орқали солиштирма иссиқлик йўқотилиши қийматларини ҳисобга олишга асосланган услубининг қўлланиши самарадорлиги исботланган бўлиб, бунда тўсувчи конструкциялар асосий иссиқлик техника кўрсаткичларини белгилаб олиш аниқлиги 1,5-2,1 марта ортади.

3. Кўп хонадонли турар жой бинолари ташқи деворларининг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойларининг типологияси ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳри иқлим шароитлари учун иссиқлик изоляцияли ва иссиқлик изоляциясиз деворларнинг иссиқлик ўтказувчан қўшилмалари орқали солиштирма иссиқлик йўқотишлари аниқланган. Бунда бинонинг тадқиқ этилаётган узелларига комплекс ёндашув қўлланиб, у иссиқлик оқимларининг қайта тақсимланиши нуқтаи назаридан конструкциялар элементларининг бир-бирига таъсирини ҳисобга олишдан иборат.

4. Бинолар ташқи деворларининг иссиқлик ўтказувчан қўшилмали конструктив туташган жойлари оптималлаштирилиб, бу туташган жойлар зонасида тўсувчи конструкцияларнинг ички юзаларидаги намлик конденсацияланиш ҳудудлари ҳосил бўлишининг олдини олиш, шунингдек иссиқлик ўтказувчан қўшилмалар орқали иссиқлик йўқотилишини камайтириш имконини бериб, буни қурилиш конструкцияларининг тегишли бирикмалари ҳарорат майдонларининг ҳарорат майдонлари ҳисоб-китоби

ҳам тасдиқлайди. Ташқи деворларнинг конструктив ечими, балконлар ва лоджиялар сонига боғлиқ равишда конструктив туташган жойларини оптималлаштириш каби чоралар тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинслилик даражасини 7 -12 % га ошириши мумкин.

5. Турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилиги қийматларини тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик кўприклари орқали солиштирма иссиқлик йўқотилишини, ҳисобга олишга асосланган услубиёт бўйича, шунингдек ташқи деворларнинг иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинслилик коэффициентини ҳисоблаб топиш учун **«Турар жой бинолари иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган ташқи деворларининг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилиги ҳисоби»** компьютер дастури ишлаб чиқилди. Бинонинг ташқи деворини ташкил этган бир жинсли участкалар ва иссиқлик кўприклари орқали ўтадиган солиштирма иссиқлик оқимлари бўйича маълумотларни, тўсиқ орқали ўтадиган умумий иссиқлик оқимида ҳар бир элемент иссиқлик оқими улушини кўрсатган ҳолда, ўз ичига олган дастурнинг чиқиш файли, иссиқлик кўприкларининг иссиқлик узатишга кўрсатадиган қаршилигига таъсири таҳлилини амалга ошириш, ҳамда, зарур ҳолларда, лойиҳалаштириш босқичида ёки эксплуатация қилинаётган биноларда айрим элементларни қўшимча тарзда изоляциялаш (иситиш) деворнинг конструктив ечимини ўзгартириш бўйича қарор қабул қилиш имконини беради.

7. Турар жой бинолари ташқи деворларини лойиҳалаштиришда иссиқлик техникаси жиҳатидан бир жинсли бўлмаган девордаги туташган жойлар орқали солиштирма иссиқлик йўқотилишини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, улар қурилиш объектларини лойиҳалаштириш сифатини яхшилаш ва энергия самарадорлик даражасини ошириш мақсадида тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик сақлаш тавсифларини оптималлаштириш имконини бериб, охир-оқибатда, атроф муҳитни CO₂ билан ифлослантириш каби экологик жиҳатдан глобал вазифанинг ҳал қилинишига кўмаклашади.

8. Иссиқлик ўтказувчан қўшилмалари мавжуд бўлган ташқи деворлар иссиқлик техник кўрсаткичларини оширишга қаратилган конструктив ечимларни татбиқ этиш иқтисодий самарадорлигининг ҳисоби шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида турар жой биноларини модернизация қилиш билан капитал таъмирлашнинг йиллик ҳажми тахминан 1,0 млн. м² ни ва бир йилдаги ўртача тежалган иссиқлик энергияси миқдори 1 м² га 10 % ни ташкил қилганида ўрта ҳисобда 1 млрд. 187 млн. сўм маблағ тежаб қолиниши мумкин экан.

9. Тадқиқот натижаларининг «TASHGIPROGOR» АЖ ва «QISHLOQQURILISHLOYINA» МЧЖ лойиҳа амалиётига татбиқ этилиши кўп қаватли турар жой бинолар ташқи деворларининг конструктив ечимларини оптималлаштириш, иссиқлик техникаси ҳисоб-китоблари

аниқлигини ошириш ва объектлар энергия истеъмолини 10 % га камайтириш имконини бериб, ундан олинган иқтисодий самара 297,351 миллион сўмни ташкил қилди.

Тадқиқотлар натижалари «TASHGIPROGOR» АЖ ва «QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ лар лойиҳалаштириш амалиётига татбиқ этилиб, бу эса турар жой бинолари ташқи деворларининг иссиқлик сақлаш оптимал тизимининг ҳисобига сарфланадиган вақтни 40 % га, қурилиш объектларининг фараз қилинган энергия истеъмолини 10 % га қисқартириш ва 297,351 миллион сўмлик иқтисодий самара олиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ТУРДАЛИЕВА МАХИНА КОМИЛЖОНОВНА

**ПОВЫШЕНИЕ ТЕПЛОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ТЕПЛОТЕХНИЧЕСКИ НЕОДНОРОДНЫХ НАРУЖНЫХ СТЕН
ЖИЛЫХ ЗДАНИЙ**

05.09.01 – Строительные конструкции, здания и сооружения

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени
доктора философии по техническим наукам

Ташкент-2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.3. PhD /Т1363

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб- странице (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Щипачева Елена Владимировна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Асқаров Бахтиёр Асқарович
доктор технических наук, профессор

Ювмитов Анвар Сайфуллаевич
доктор философии по техническим наукам, PhD

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится « 5» ноября 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.т.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Абдулла Кадыри, дом 7в. Тел.:(71) 241-10-84; факс: (71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за №63). (Адрес: 100011, г. Ташкент улица Малая кольцевая, дом №7. Тел.: (99871) 235-43-40; факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «20»...октября 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 4от «22» сентября. 2021 года)

Х.А. Акрамов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Т. Хотамов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Б.А. Асқаров

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике строительства в последние годы постоянно увеличиваются масштабы строительства зданий с ограждающими конструкциями, обладающими высокими теплозащитными свойствами, что позволяет снизить энергозатраты при эксплуатации зданий, значительно улучшить микроклимат помещений. В развитых странах, включая США, Японию, Южную Корею, Германию, Финляндию, Нидерланды и Австрию, ведущими являются вопросы создания новых энергоэффективных материалов и конструкций, совершенствования технологий их производства и проектирования, эффективного использования при строительстве зданий и сооружений, разработки новых более точных методов расчета. В целях повышения теплозащиты зданий особое внимание уделяется выявлению теплотехнически неоднородных узлов в ограждающих конструкциях, определению удельных потерь теплоты через них, а также совершенствованию конструктивных решений наружных стен

